

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 11 июль, № 146 (7648) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 – 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори **51 — 53** миллиард куб метрни, жумладан, **97,2** фоизи дарё ва сойлардан, **1,9** фоизи коллектор тармоқларидан, **0,9** фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан **20** фоизга қисқарган.

Республикада 2020 — 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МАВЖУД РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚАРАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефтьгаз маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади;

саноат кўламидаги (1 МВт ёки ундан ортиқ) қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектростанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилади;

2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тунги давр — сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилади;

**(Давоми 2-бетда).**

УЙДА ҚОЛИНГ!







## ЎЗ САЛОМАТЛИГИМИЗГА, АВВАЛО, ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

*Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси қарорига кўра, мамлакатимизда 10 июлдан карантин чекловлари кўчайтирилди. Бунинг сабаблари куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида алоҳида тушунтириб ўтилди.*

### Бугуннинг гапи

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги пандемия даврида касаллик юқтиришдан сақланишимиз учун давлатимиз томонидан барча керакли чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо ўзимизнинг саломатлигимизга, аввало, ўзимиз масъулмиз.

Лекин бу борада ҳозирги аҳволимиз қандай эканини билиш учун айни пайтда ортиқча изоҳларга ҳожат йўқ. Кундан-кунга вирусни юқтириб олаётганлар сони ошиб бораётгани кучайтирилган тақиқларга қарамай, ўз билганимиздан қолмаётганимизни, ўзимизнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам саломатлигига бепарволигимизни кўрсатмоқда.

**Ниқоб тақинг, ижтимоий масофани сақланг, шахсий гигиенага амал қилинг, деб қачондан буён бонг урилади. Бироқ уларга амал қилиш ҳали ҳам ўлда-жўлда. Масалан, кўча-кўйда бир эътибор беринг. Айримларнинг ниқобни иягига тушириб олганини кўрасиз. Айтинг, бундай сохтакорликнинг нима кераги бор?! Тиббий ниқоб тақишдан мақсад касалликдан ҳимояланиш эмасми?! Бу аслида ҳар кимнинг ўзи учун керак эмасми?**

3

Олий Мажлис Сенати

## ҲУДУДЛАРДАГИ АҲВОЛ ЎРГАНИЛДИ

*2020 йилнинг 3 июнь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш, коронавирус пандемияси даврида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ишсиз аҳоли вакиллари бандлигини таъминлаш бўйича секторлар раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан уларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳамда муҳокама қилиш вазифалари белгилаб берилган эди.*

Ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида куни кеча Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан Наманган вилоятининг Уйчи, Учқўрғон, Косонсой ва Наманган туманларида ўрганиш олиб борилди. Бу ишга ҳудуддаги сенаторлар ҳам жалб қилиниб, жойларда аҳоли кайфиятига салбий таъсир этаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида туман Кенгашлари депутатлари билан бевосита мулоқотлар ўтказилди.

Табиийки, секторлар раҳбарларининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни равнақ топтириш ва аҳолини ишга жойлаштириш, Давлат бюджети ижросини таъминлаш ҳамда даромадлар манбаини кенгайтириш, давлат дастурлари ва экспорт прогноз кўрсаткичлари бажарилиши, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳудудларда карантин шароити талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлашга катта аҳамият берилди.

Ўрганиш натижалари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида муҳокамага қўйилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, шу кунгача Сурхондарё, Тошкент ва Андижон вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилган ўрганиш натижалари Сенат Кенгаши мажлисида муҳокама қилинган эди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁР

*Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, такомиллаштириш масаласи устувор аҳамиятга эга.*

Бинобарин, ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокамаларида уларни пишиқ-пухта тайёрлаш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларини кучайтириш, энг асосийси, ҳаётийлигини кафолатлаш нуқтаи назаридан ёндашилаётгани диққатга сазовор. Сиёсий партиялар фракциялари эса лойиҳалардаги айрим камчиликларни очиқ-ойдин ўртага ташлаб, уларни янада такомиллаштириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини илгари суришмоқда.

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси узоқ вақтдан буён муҳокама қилинаётган ҳужжатлардан бири бўлиб, айни пайтда парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан экспертлар, соҳа мутахассислари иштирокида иккинчи ўқишга тайёрланди.

Хўш, мазкур қонун лойиҳасида қандай ҳаётий талаблар, нормалар акс этмоқда?

— Ушбу ҳужжат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева. — Тўғри, лойиҳа узоқ вақтдан буён муҳокама қилинмоқда. Бу ишларимиз сустлигидан эмас, аксинча, унинг ҳар бир моддаси чуқур кўриб чиқилаётгани, эътирозли саволларга ўрин қолмаслиги учун ҳаракат қилинаётгани билан боғлиқ. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда муҳокамаларда билдирилган айрим таклифлар инобатга олинди. Баъзи моддалар чиқариб ташланиб, айримлари тўлдирилди. Хусусан, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари 2 та моддага ажратилди.

3



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 — 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар Концепциянинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини (ичимлик ва оқова сув тизимидан ташқари) модернизация қилиш ва ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда “Smart Water” (“Ақлли сув”) ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларининг жорий қилинишини янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва унинг олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш;

сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, жумладан, сувни етказиш харажатларининг бир қисмини босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тизимини жорий қилиш, тушган маблағларни сув хўжалиги объектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш-тиклаш, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш;

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш;

сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига сувни барқарор етказиб бериш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш;

трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш;

сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Концепцияни унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Концепцияда белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш орқали **2030 йилга қадар қуйидаги кўрсаткичларга эришишни таъминласин**:

**суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш**;

**сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ер майдонларини 560 минг гектардан 190 минг гектаргача камайтириш**;

шўрланган суғориладиган ер майдонларини **226 минг гектарга** камайтириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш**;

барча ирригация тизими объектларига **“Smart Water” (“Ақлли сув”) сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари** ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш;

**100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш**;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда **сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача**, шу жумладан, **томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш**;

сув хўжалигида **давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани** амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга ажратилган умумий чекланган ходимлар сони доирасида 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

Хорижий экспертларни жалб этиш вазирликнинг бюджетдан ташқари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин;

б) сув хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини шакллантиришда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан маблағ жалб этишда давлат ташқи қарзи учун ўрнатиладиган йиллик меъёрлар доирасида белгиланган тартибда таклифларни киритиб борсин;

в) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлиги бўйича ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Қишлоқ хўжалиги экин ерларини ўз балансига олган кластерларга ушбу ерларда жойлашган сув хўжалиги объектларини бошқариш йўналишидаги **Сув хўжалиги вазирлигининг функцияларини қишлоқ хўжалиги ер эгаларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўтказиш тўғридан-тўғри музокаралар асосида амалга оширилишига рухсат берилсин**.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Сув хўжалиги вазирлиги балансида бўлган сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга бериш бўйича объектлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини босқичма-босқич камайтириш ҳамда сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, аутсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ҳисобидан **тежаладиган маблағлар сув иншоотларини модернизация қилиш, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва ходимларнинг ойлик иш ҳақини босқичма-босқич оширишга йўналтирилади**.

7. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, бунда:

узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш шакллари, тартиби ва босқичларини, шунингдек, молиялаштириш манбаини аниқ белгилаш;

сув хўжалиги раҳбар ходимларини узлуксиз равишда малакасини ошириб бориш ва аттестациядан ўтказиш, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш мезонлари инобатга олинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Концепциянинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан **парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирликлар ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини **ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш** тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў. И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МАВЖУД РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚАРАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

юридик шахслар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда потенциал инвесторларни жалб қилиш масаласини ўрганиш учун ахборотни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа расмий усуллар ёрдамида тарқатиш, шу жумладан, бизнес-тадбирларда иштирок этиш ва хорижда “road-show”лар ўтказиш орқали тизимли асосда, бироқ йилига камида бир маротаба белгиланган қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар портфелини шакллантиради.

2. Қуйидагилар:

3,3 миллиард кВт соат электр энергияси, 2,6 миллиард $м^3$ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи **2020 — 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

**Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

**Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган жадвали** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик ташкилотларининг биринчи раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари ва мажбурий энергетик текширувлар ўтказиш жадвалини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг тузилмасига киради ва давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

**Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси** 4-иловага мувофиқ;

**Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдоридаги ўтказмалар;

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлар;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи;

кредитлар бериш ва Жамғарманинг бошқа молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган фойда;

халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблағлари;

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан, бўш маблағларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми, бунда унинг суммаси кўрсатилган хизматлар суммасининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек, энергия аудитини ўтказиш;

энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини таъминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4422-сон қарорининг 6-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва иммитацион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказишга йўналтирилади.

Энергетика вазирлиги бир ой муддатда бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қоидаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

энергетика текширувларини (энергия аудитини) ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

энергия аудиторини танлашнинг бозор механизмини жорий этиш;

тарифларни тартибга солиш, шу жумладан, энергия аудити якунларига кўра тавсияларни бажармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган ставкаларни қўллашнинг самарали механизмини яратиш;

б) икки ой муддатда 285 та йирик саноат корхонасида энергия аудитини ўтказиш учун етакчи компаниялар (маҳаллий ва халқаро) жалб қилинишини таъминласин ва ушбу корхоналар рўйхатини кенгайтириш масаласини кўриб чиқсин.

8. Энергия самарадорлигини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиришни жадаллаштириш, энергия тежайдиган технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш мақсадида икки ой муддатда:

а) Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини нормалаштириш тўғрисидаги низомни;

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида аукцион савдоларини ўтказиш регламентини;

б) Энергетика вазирлиги:

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергияни ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳисобга олиш регламентини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг кичик объектларидан электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергия ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини сертификатлаштириш регламентини;

Саноат кўламидаги фотоэлектрик қуёш электр станцияларини жойлаштириш регламентини тасдиқласин.

9. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) уч ой муддатда Энергетика вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин:

йирик саноат корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш;

энергия ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик истеъмолчиларнинг) идентификация рақамини онлайн-режимда бериш ва ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергия бўйича тегишли ҳисоботларни электрон шаклда юборишнинг соддалаштирилган механизми;

ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергияни ҳисобга олиш маълумотларини автоматик тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини аниқлаш;

қайта тикланувчи энергетика соҳасида реверс аукцион онлайн-савдоларини ўтказиш учун ҳимояланган савдо майдончасини яратиш;

б) 2021 йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олган зарур ахборотларнинг тармоқлараро электрон алмашувини назарда тутган ҳолда Ягона ахборот тизимининг ишга туширилиши ва Электрон ҳукумат билан интеграциялашувини таъминласин;

в) Ягона ахборот тизимидан олинган таҳлилий маълумотлар асосида юқори энергия истеъмолига эга корхоналарни мажбурий энергия аудитидан ўтказиш механизмини жорий этсин;

Ягона ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш доирасида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги буюртмачи этиб;

Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

10. Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда намунавий уйлар ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 1 августидан кўп қаватли уйларни қуриш ва лойиҳалаштириш доирасида замонавий энергия тежайдиган материаллар, энергия самарадор технологияларни қўллаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича назорат қилиш тизимини жорий этсин. Шаҳарларда кўп қаватли тижорат уйларини қуришда мазкур талаблар мажбурий равишда қўллансин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимият органлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагилар бўйича мақсадли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020 — 2022 йилларда республиканинг барча ҳудудларида биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш, энергия тежайдиган технологиялар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жорий этиш ҳисобига кўп қаватли тураржойларда иситиш ва совитиш эҳтиёжлари учун энергия истеъмолини пасайтириш;

табиий газ истеъмолини пасайтириш мақсадида республикадаги қозонхоналарда сув иситиш учун энергия самарадор қуёш тизимларини ўрнатиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мақсадли дастурларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ҳисоб-китоблари тақдим этилишига қараб халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари (грантларини) жалб қилинишини белгиланган тартибда таъминлансин.

12. Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. А. Қўчқоров ва Энергетика вазирлиги (Султанов):

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон бозорида нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефть-газ ва электр энергетикаси соҳаси корхоналари ўртасидаги ўзаро харид нархлари ва даромад тақсимоти схемасини қайта кўриб чиқсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, илғор жаҳон тажрибаси асосида энергияни тежаш ва энергия самарадорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин ва 2020 йил 1 ноябргача:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия самарадорлиги соҳасини жадал ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратувчи механизмлар;

иқтисодиёт тармоқлари, бино ва иншоотлар, шунингдек, ижтимоий соҳада энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш нормаларини белгиловчи “Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришининг оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, давлат ривожлантириш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан мажбурий равишда келишилиши лозим.

14. Иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини қисқартириш бўйича вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тузилмасига энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиснинг битта қўшимча штат бирлиги киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 июль

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁР



◄1

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколатлари янги 14-моддага кўчирилди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир масъул идоралар вазифаларининг аниқ белгиланишида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, 15-моддадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлари бўйича идоралараро кенгашнинг унинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлари барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланиши чиқариб ташланди.

Маълумки, давлат бошқаруви органларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан бир қаторда Олий Мажлис палаталари, суд ва прокуратура органлари ҳам киради. Идоралараро кенгаш жамоат асосида иш юритадиган орган бўлганлиги сабабли, унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга бўлиши керак. Идоралараро кенгаш Бош вазирнинг ўринбосарларидан бири бошчилик қилишини инобатга олган ҳолда, унинг чиқарган қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида амалга оширилиши лозим.

Қонун лойиҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига дахлдор қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва уларнинг ваколатли вакиллари билан ҳамкорлик қилиши акс этмоқда. Бу ҳам ногиронлиги бор шахсларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳужжатда ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва махсус дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредити олиш ҳуқуқига эгалиги, уларга уй-жойни тақсимлашда имкониятига қараб, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига риоя этилган ҳолда, иш жойига, тиббиёт ҳамда реабилитация муассасаларига яқин бўлган уй-жой берилиши назарда тутиляпти.

Ногиронлиги бўлган шахслар эгаллаб турган турар жойлар уларнинг эркин ҳаракатланиши ва фойдаланиши учун махсус воситалар ҳамда мосламалар билан жиҳозланган бўлиши кераклиги ва бу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланаётгани қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳатларидан бири, дейиш мумкин. Очиғини айтиш керак, ҳозирга қадар ҳам ногиронлиги бор шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун барча шароит яратилган, деб айтолмаймиз. Тўғри, маълум йўналишда ишлар қилиняпти, аммо булар кам.

Дарҳақиқат, қонун лойиҳасида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор нормалар акс этмоқда. Бир қарашда буларнинг барчаси расмиятчиликдек. Аммо уни янада чуқур таҳлил қилиш, муҳокама этиш жараёнида англашилмоқдаки, эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаётий заруратлар ҳам бор. Айни пайтда масъул қўмита ишчи гуруҳи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлади. Ҳаётий талаблар ҳамда эҳтиёжларнинг ушбу ҳужжатда қанчалик акс этишини эса вақт кўрсатади.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ТАРТИБ МУАММОЛАРНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТАДИ

*Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари раҳбарлигидаги депутатлардан иборат ишчи гуруҳ жойларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганди ва унинг натижалари қуйи палата Кенгашининг йиғилишларида кенг муҳокама қилинди.*

## Таҳлил

Масалан, Бухоро вилоятида халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, секторлар раҳбарлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилган.

Ўрганишлар давомида пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан вилоятда қатор чоралар кўрилаётганлиги маълум бўлди.

Депутатларнинг таъкидлашича, секторлар фаолияти йўлга қўйилганлиги жойларда аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг муаммоларини тезкор ва самарали ҳал этиш имконини бермоқда. Аҳоли билан ишлашнинг бундай тартиби секторлар раҳбарларининг дунёқарашини ўзгартириш билан бирга, уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳамда адолатли бажаришида ҳам муҳим омил бўлиб, давлат органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро яқинликни ҳамда ишончли ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди.

**5 512 нафар тадбиркорга ажратилган 4,6 триллион сўмлик кредитдан 1 триллион 293 миллиард сўмини тўлаш муддати жорий йилнинг 1 октябрига қадар узайтирилган, 27 та экспортёр корхонанинг 23,3 миллиард сўмлик қўшимча қиймат солиғи қайтариб берилган.**

Жойларда бюджет тушумлари, республика бюджетидан ажратилаётган трансфертлар ва бошқа маблағлар, биринчи навбатда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига, жумладан, дори воситалари, тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга, шунингдек, иш ҳақи, пенсиялар ҳамда нафақаларни ўз вақтида тўлашга, коммунал тўловлар ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган харажатларнинг ўрнини қоплашга йўналтирилмоқда.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари ҳамда бошқа ходимларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун махсус рағбатлантирувчи тўловлар, бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар амалга ошириб келинмоқда.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилган имтиёзлар асосида вилоятдаги 379 та тадбиркорлик субъектига нисбатан жами 5,2 миллиард сўмлик мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни олти ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имтиёзи қўлланилган. Ҳудуддаги 902 та корхонага айланма маблағларини шакллантириш учун 117,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Шунингдек, 5 512 нафар тадбиркорга ажратилган 4,6 триллион сўмлик кредитдан 1 триллион 293 миллиард сўмини тўлаш муддати жорий йилнинг 1 октябрига қадар узайтирилган, 27 та экспортёр корхонанинг 23,3 миллиард сўмлик қўшимча қиймат солиғи қайтариб берилган.

Тадбиркорларга кўрсатилган ёрдам ва карантин талаблари юмшатилиши натижасида фаолияти вақтинча тўхтатилган 11 058 та корхонадан 9 661 тасининг фаолияти карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда қайта йўлга қўйилган.

Қайд этиш лозимки, камбағалликнинг олдини олиш мақсадида вилоят 52 та кичик ҳудудга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра, 12 442 нафар кам таъминланган фуқаро ишга жойлаштирилган.

Шу билан бирга, ўрганишлар жараёнида вилоятда ҳали ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар, эътибор қаратилиши керак бўлган масалалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига берилиши лозим бўлган кредитларни кечиктириш, молиявий хизматларга бўлган талабни тўлиқ қаноатлантирмаслик, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида қўллаб-қувватламаслик каби ҳолатлар мавжуд.

Ўрганишларда айрим туманларда “темир дафтар”га киритилган тоифадаги фуқаролар қолган туманларда бошқа мезонларга таянилиши натижасида, бу тоифага киритилмай қолганлиги аниқланди. Депутатлар томонидан ушбу масалаларни жойида ҳал этишга эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида Бухоро вилоятидаги ўрганишлар натижалари муҳокамаси чоғида эса халқ депутатлари Бухоро вилояти, туман ва шаҳарлар Кенгашларига аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги масалаларни мунтазам равишда Кенгашлар йиғилишларида кенг жамоатчилик, тадбиркорлик субъектлари, ОАВ вакиллари иштирокида муҳокама қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриб бориш, бунда депутатлар назоратини янада кучайтириш лозимлиги тавсия этилди.

Умуман, ўрганиш ҳамда унинг натижалари муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу юқоридаги масалалар ўз ҳолига ташланади дегани эмас. Айни пайтда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Давлат солиқ қўмитасига маҳсулотларни экспорт қилгандан сўнг корхоналарга қўшилган қиймат солиғини қайтариш, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг жойларда қандай татбиқ этилаётганлиги юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан асослантирилган тушунтириш олиш мақсадида парламент сўровини тайёрламоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

Аграр соҳа:

# ИСЛОҲОТЛАР ҚАНЧАЛИК НАТИЖА БЕРЯПТИ?

*Коронавирус пандемияси даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

## Депутат фикри

Инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда карантин чекловларининг иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатиш бўйича Президентнинг 17 та Фармон ва қарори қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги ҳамда 30 июндаги қарорлари бу борадаги ўта муҳим вазифалар ижросини таъминлашда давлат кўмагини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Чунки мазкур ҳужжатларда айнан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва ундан юқори ҳосил олишда ер ости сувлари захираларидан фойдаланиш орқали экин экилмай қолаётган мавжуд ер майдонларини ўзлаштириш ишларига давлат кўмаги берилиши кўплаб томорқа ер эгаларига катта мадад бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги шароитда деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларига, фуқароларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва енгилликларнинг жойлардаги ижросини тўлиқ таъминлаш аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу борада таъсирчан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар билан жойлардаги учрашувлар давомида пандемияга қарши курашга йўналтирилган Президент Фармон ҳамда қарорлари ўз вақтида ва аниқ манзилга қаратилганлиги билан аҳамиятли экани эътироф этилди.

Аҳоли ушбу қарорлар мазмун-моҳиятини тушунганлиги, улар томонидан берилган имтиёзлардан кенгроқ фойдаланишга ва камбағалликни камайтиришга доир тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишлари ишчи гуруҳи томонидан алоҳида таъкидланди.

Албатта, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурс ҳамда имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробар кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринлари яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Аҳоли томорқаларида етиштирилаётган маҳсулотлар бўйича қуйидаги рақамлар эса ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Яъни 2020 йилда эртаги экинлар 30,7 минг гектар майдонга (2019 йилда 30,5 минг гектар) экилиб, 5 миллион тонна ҳосил (2019 йилда 4,9 миллион тонна) олиниши кутилмоқда. Худди шундай ўрта мавсумдаги экинлар 231,0 минг гектарга (2019 йилдагига нисбатан 58 минг гектар кўп) экилиб, 310,3 минг тонна ҳосил (ўтган йилдагига нисбатан 97,4 минг тонна кўп) етиштирилади. Тўқсонбости экинлар бўйича эса 2019 йилдагига нисбатан 1,21 миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш белгиланиб, жами 2,4 миллион тоннага етказиш кутилмоқда.

Жорий йилда экин экиш, ихчам иссиқхона қуриш, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа йўналишлар учун 58,6 миллиард сўм ҳамда сув таъминоти оғир жойларда суғориш қудуқлари қазиш учун 16,8 миллиард сўм жамғарма маблағларидан ажратилиши фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига қўшимча молиявий кўмак, уларни машаққатли даврда қўллаб-қувватлаш намунаси бўлмоқда.

Шу билан бирга, қабул қилиниши кутилаётган янги таҳрирдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини янада юксалтириш омили бўлади.

**Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛЯПТИ

*Жаҳон банки маълумотига кўра, айни пайтда дунё бўйича 736 миллион киши ўта камбағал ҳолатда кун кечирмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси бу борадаги вазиятни янада мураккаблаштирди. Яъни ишсизлар сони ортиб, аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетмоқда.*

## Сенатор мушоҳадаси

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳи жойларда бўлиб, мавжуд ҳолатни ўрганиб, таҳлил қилмоқда.

Албатта, бундай эзгу тадбирлар биз, сенаторлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, юртдошларимиз тадбиркорлардан ишсизликни камайтириш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳалар билан иштирок этишни кутади. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Нурота ва Конимех туманларидаги етти нафар кам таъминланган, кўп болали аёлга тикув машиналарини бепул тарқатиб, касаначилик асосида ишлаши учун шароит яратиб бердик. Қолаверса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида Қизилтепа туманида “Бўстон” тўқимачилик корхонаси барпо этиляпти.

Айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан микрокредит ва микролизинг бериш камбағалликни камайтиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан кредит маблағларига бўлган эҳтиёж ўрганилиб, аҳолининг ишсиз қатламига кам фоизли кредитлар ажратиш ишлари олиб боriляпти. Банкларнинг тегишли ҳудудларга бириктирилгани бундай тадбирларни самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, тадбиркорлар келгусида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали камбағалликни қисқартиришдек хайрли ишга камарбаста бўлишда давом этади.

**Улуғбек ФАЙЗИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, тадбиркор.**

# ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ҲАМ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ЗАРУР

*Коронавирус пандемияси бутун дунёда давом этмоқда. Ушбу хавфли инфекция юртимизда илк бор март ойининг ўртасида қайд этилгач, тезкор ҳамда қатъий чоралар кўрилди. Соғлиқни сақлаш тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли нисбатан қисқа, қарийб уч ойлик даврда касаллик жиловланиб, унинг кўлами, даволаш самарадорлиги ва ўлим ҳолатининг паст кўрсаткичлари бўйича халқаро миқёсда ижобий баҳоланган эди.*

## Нуқтаи назар

Лекин, афсуски, сўнгги кунларда Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланишнинг миқёси кескин оша бошлади. Ушбу ҳолатни баъзилар пандемиянинг навбатдаги даври, деб талқин қилсалар-да, ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, биз охирги вақтда коронавирусдан “қўрқмайдиган”, унга парво қилмайдиган бўлиб қолдик: карантиннинг оддий қоидалари — тиббий ниқоб тақиш, қўлни тез-тез совунлаб ювиш ҳамда дезинфекциялаш, жамоат жойларида ижтимоий масофани сақлашга кўпчилик заруратсиз, ўз аҳамиятини йўқотган вазифадек қарай бошлади. Карантин чоралари юмшатилишини баъзи инсонлар гўёки уни бутунлай тўхтатилишидек қабул қилиб, катта тўй-томошаларни бошлаб юборгани ҳам айни ҳақиқат. Гарчи биздаги касаллик кўрсаткичлари қўшни давлатлардагидан паст бўлса-да, барибир огоҳликни унутмаслигимиз, ҳушёрликни йўқотмаслигимиз керак.

Ҳар бир инсон ўз соғлиғи, фарзандлари ҳамда оиласини ўйлаб, ушбу муаммони бартараф этиш учун нафақат ўрнатилган тартибларга қатъий риоя қилиши, балки ён атрофдагиларни ҳам шунга чақириши зарур. Коронавирус пандемиясини енгиш умумхалқ иши, дейилишининг мазмуни ҳам айнан шу ҳолатдан келиб чиқади.

Пандемия даврида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва тиббий хизматларни кенгайтириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож инсонларга зарур ёрдам кўрсатишни тизимли ташкил этиш билан бир қаторда, давлатнинг ушбу даврга хос яна бир жуда муҳим иқтисодий вазифаси бор. Бу — карантин чекловлари муносабати билан корхона ҳамда ташкилотлар кўрадиган зарарни қоплаш мақсадида уларни иқтисодий, молиявий ва бошқа кўринишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Ушбу икки масала мамлакатимизда пандемия бошланиши давридан бери давлат раҳбарининг доимий диққат-эътиборида бўлиб турибди. Вужудга келаётган муаммоларни самарали ҳал этиш бўйича Президентнинг йигирмага яқин Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди, улар асосида тадбиркорларга катта имтиёз ва енгилликлар берилди.

Коронавирус тарқалишининг мамлакатимиздаги бугунги кенгайган ҳолати иқтисодиётимизни унинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш нуқтаи назаридан янги, аввалгиларидан ҳам қаттиқроқ чоралар кўриш ва уларга қатъий амал қилишни талаб этади. Президентимиз раислигида шу йил 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан шу масалалар ҳар томонлама таҳлил этилди. Давлат раҳбари таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги оғир даврда ҳар бир раҳбар, ҳар бир тадбиркор ёки оддий инсондан метин ирода ва доимий ишчанлик талаб қилинади.

Амалда жойларда ҳар бир мутасадди раҳбар шу масъулиятни ҳис қиляптими? Мажлисда кўрсатилган масалалар — мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва таклиф этилаётган ечимлар бўйича иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудлардаги мутасадди раҳбарларнинг ахбороти эшитилди. Савдо-саноат палатасининг Оҳангарон туманида ва бизнес-омбудсманнинг Фарғона вилоятида олиб борган ўрганишлари кўплаб корхона ҳамда ташкилотлар пандемия даврида ўз ишини янги шароитда тўғри ташкил эта олганлигини кўрсатди. Тегишли вазирлик ва ҳокимиятлар томонидан кўрсатилган амалий ёрдам туфайли ишлаб чиқариш жараёни шу даврда тўхтатилмади ёки ўз вақтида берилган иқтисодий ҳамда молиявий кўмак туфайли янгидан бошлаб юборилди.

Лекин бир қатор туманларда, корхона ҳамда ташкилотларда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами вакилларини қўллаб-қувватлаш, “темир дафтар”да қайд этилган фуқароларни босқичма-босқич ушбу тоифадан чиқариш, халқ саломатлиги учун фидокорона хизмат қилаётган шифокорларни Президент қарорига асосланиб, муносиб тақдирлашни ўз вақтида амалга оширишни таъминлашга, тадбиркорликни бошлаётганларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлган раҳбарлар аниқланиб, уларга энг қаттиқ жазо чоралари кўрилди.

Мажлисдаги таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир туманида секторлар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳудуд иқтисодиётини тўлиқ қамраб олувчи самарали назорат ва кўмаклашиш тизимини шакллантирди ҳамда бу механизм барқарор ривожланиш, жойларда тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни таъминлаб берди. Шу билан бирга, мутасадди раҳбарларнинг аҳолининг реал талабларини хонадонма-хонадон юриб ўрганиш орқали муаммоларини тезда ва тўлалигича ечиш имконини яратади. Коронавирус пандемияси давом этиб, унинг кўламини кескин жиловлаш зарур бўлган ҳозирги вақтда бундай механизмнинг ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда самарали ишлаши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

**Эркин ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ЎЗ САЛОМАТЛИГИМИЗГА, АВВАЛО, ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

◄1

Карантин чоралари юмшатилган пайтда одамларнинг турли юмуш билан кўчага чиқишлари кўпайди, у ёки бу бинолар, одам кўп борадиган ҳудудлар гавжумлашди. Аммо назоратчи қўйилиб, бақириб-чақирмагунга қадар ҳеч ким ижтимоий масофа ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Гўёки бизнинг саломатлигимиз ўша назоратчига керакдек.

Самарқанд вилоятига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш ҳудудий идоралараро штаби маълумотига қараганда, айни пайтда ҳудудда 2865 нафар фуқаро карантинда сақланмоқда. Жумладан, 2702 киши уй шароитида, 163 нафари даволаш профилактика муассасаларида назоратга олинган.

Жорий йилнинг 8 июль ҳолатига кўра, вилоят ички ишлар ходимлари томонидан карантин қоидаларига риоя қилмаган фуқароларга нисбатан кун давомида 406 та (мавсум бошидан 56 минг 264 та) маъмурий ҳамда 2 та жиноий баённома расмийлаштирилди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, кунлик дезинфекция ишлари ҳамда санитария тарғибот тадбирлари давом эттирилмоқда.

Маълумки, тўйларни 30 киши иштирокида ўтказиш белгиланганди. Одамларимиз мана шу имкониятни ҳам суиистеъмол қилди. Баъзилар ўттиз кишилик дастурхон ёзиб, кун давомида бир неча марталаб ўттиз кишини меҳмон қилди. Шу инсофданми? Ахир бу одамлар саломатлигини хавфга қўйишку! Хиёнатку! Натижада нима бўлди? Бир қанча тўйларда касаллик юқтириб олганлар аниқланди.

**Шуларни эшитиб ҳам айримлар хулоса чиқармагани ачинарли. Қаранг, 10 июлдан 1 августга қадар карантин чекловлари кучайтирилаётганидан хабар топган баъзилар тўй-маросимларини шошилинч ўтказиб қолишга ошиқди. Мана бу маълумотга эътибор беринг-а: биргина 9 июль кунининг ўзида Самарқанд вилояти бўйича ўртача ҳисобда 10 мингга яқин 30 кишилик тўйлар ўтказилибди. Шунча айтилаётган гаплар ва кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, 20 кун ўтмай қоладигандек, одамларнинг бу каби ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин?!**

Хуллас, бугун пандемияга қарши курашга давлат даражасида жиддий эътибор қаратилиб, барча зарур чоралар кўрилаётган бир пайтда биз қачон ўз соғлиғимизга ўзимиз масъул эканлигимизни ҳис қиламиз? Бу саволга виждонан жавоб берадиган пайт аллақачон келган, ахир.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# БИЗГА ХАЛҚ БАҲО БЕРАДИ



## Буни асло унутмаслигимиз керак.

*“Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак”. Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида янграган бу таъкид соҳага оид бугунги куннинг барча талабини ўзида мужассамлаштиради.*

## Муносабат

Суд-ҳуқуқ соҳасида кейинги йилларда бошланган ислоҳотлар эса айнан шундай оғриқли жиҳатларга барҳам беришга қаратилди. Судда кўрилган ёки кўрилаётган ишларни қўшимча терговга юбориш амалиётига бутунлай чек қўйилди. Жиноят кодексидаги бунга имкон берувчи модда чиқариб ташланди. Нафақат қонунчилик, балки соҳани ислоҳ этиш, судларда адолатли қарорлар қабул қилиш, айниқса, оқлов ҳукмлари чиқаришга монелик қиладиган тўсиқлар бартараф этилгач, судьялар эркин фаолият юрита бошлади. Буни оқлов ҳукмлари кўпайгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

**Оқлов ҳақида фикр юритар эканмиз, ўрни келганда, Тошкент шаҳри судлари фаолиятига назар солсак. Кейинги 3,5 йил ичида 427 нафар шахс оқланди. Ўтган йилда бу кўрсаткич 200, жорий йил ярмида эса 53 нафарни ташкил этди.**

Видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар нафақат суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирликлар, илмий доира вакиллари, қўйингки, кенг жамоатчилик иштирокида очиқ ҳамда шаффоф руҳда бирма-бир муҳокама қилиниб, кескин мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Суд ҳокимияти вакили сифатида қисқа муддат ичидаги бу жараёнда кенг қамровли прогрессив ўзгаришлардан шахсан мен қилган энг катта хулоса шу бўлдики, биз қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, халқ билан мулоқотни унутиб қўйган эканмиз. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ҳаётий тамойил, ҳақиқатан ҳам, бизни кабинетдан пастга тушириб, фуқаролар билан қандай мулоқот олиб боришимиз лозимлигини, жойларда сайёр қабулларни, сайёр суд мажлисларини қай йўсинда ташкил этишимизни очиқлаб берди.

Йиғилишда айтилган ҳақли эътирозлардан бири — биз ҳали ҳам халқимизнинг ишончини тўла қозона олганимиз йўқ, инсон ҳуқуқларини энг олий қадриятга айлантириш, адолатли суд ҳокимиятини барпо этиш йўлида катта қадамлар қўйилса-да, лекин фуқароларнинг суд идораларидан рози бўлишига эришиш, суд мажлисларини ошкора ва шаффофликда ўтказиш, журналистлар билан қўрқмасдан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш борасида талай муаммолар борлиги таъкидлаб ўтилди.

Тўғри, суд ҳокимияти мустақил, бирорбир давлат органи ёки мансабдор шахс суднинг фаолиятига у ёки бу тарзда аралашиш тугул, ҳатто қабул қилинган суд ҳужжати бўйича тушунтириш беришни сўрашга ҳам ҳақли эмас. Аммо бу дахлсизлик бизга халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, амалга оширилаётган ислоҳотлардан, жамоатчилик ҳаёти билан ҳамнафас бўлишдан бир четда турасан, дегани эмас.

Шунинг учун ҳам Президентимиз бугунги кунда судлар, депутатлар ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамфикрлилик ҳамда ҳамкорлик алоқалари йўқлиги, маҳаллий Кенгашлар судларнинг ҳисоботини эшитиш билан чекланиб қолаётганлиги, одамларни ўйлантираётган, қийнаётган муаммолар ҳамжиҳатликда муҳокама қилинмаётганлиги, оқибатда масаланинг негизи ечилмай қолаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси биздан янада ташаббускор ва халқпарвар судья бўлиб шаклланишимизни, адолатли суд ҳокимиятини барпо этишда собитқадамлик билан судьялик қасамёдига сўзсиз риоя қилишни, судьянинг фаолияти, унинг юриш-туришига халқ баҳо беришини ҳеч қачон унутмаслигимиз ва шунга монанд йўл тутишимизни талаб этади.

**Бахтиёр ИСЛОМОВ, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси.**

